



ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Хайдаров Асқарбек

Иқтисодиёт бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) "Бюджет ҳисоби ва ғазначилик" кафедраси профессори Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Email: xaydarobasqar1970@gmail.com

ORCID: 0009-0000-0801-5205

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss1/630

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришнинг ривожланган давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш имкониятлари, пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини шакллантириш механизмини замонавий молиявий сиёсат концепциялари асосида такомиллаштириб бориш ва соҳада мавжуд муаммолар ва унга таъсир этаётган омиллар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: концепция, пенсия таъминоти, ислоҳ қилиш, хориж тажриба, қонунчилик ҳужжатлари, молиявий сиёсат, даромадлар, харажатлар, ҳалқаро мезон, авлодлар бирдамлиги, глобал пенсия, тенденция, суғурта бадали.

В РЕФОРМИРОВАНИИ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Хайдаров Асқарбек

Доктор философии (PhD) по экономическим наукам кафедры бюджетного учета и казначейского дела профессор Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация

В статье исследуются возможности использования опыта развитых стран для реформирования и совершенствования системы пенсионного обеспечения в Узбекистане, дальнейшего усиления социальной защиты пенсионеров, совершенствования механизма формирования доходов и расходов пенсионного фонда на основе современных концепций финансовой политики, а также существующие проблемы и факторы, влияющие на это.

Ключевые слова: концепция, пенсионное обеспечение, реформа, зарубежный опыт, законодательные документы, финансовая политика, доходы, расходы, международный критерий, солидарность поколений, глобальная пенсия, тенденция, страховой взнос.

EXPERIENS OF FOREIGN COUNTRIES IN THE REFORM OF THE PENSION SYSTEM

Khaydarov Asqarbek

Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences Professor at the department of "Budget accounting and treasury" Tashkent State University of Economy

Abstract

The article explores the possibilities of using the experiences of developed countries to reform and improve the pension provision system in Uzbekistan, further strengthening the social cooling of pensioners, improving the mechanism for the formation of income and expenses of the pension fund on the basis of modern financial policy concepts, and the existing problems in the field and the factors affecting it.

Keywords: concept, pension provision, reform, foreign experience, legislative documents, Financial Policy, income, expenses, international criterion, generational solidarity, global pension, trend, insurance contribution.

Кириш

Ўзбекистон республикасида узоқ истиқболга мўлжалланган барқарор иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш ва ислоҳ этишда “Пенсия таъминоти тизимини комплекс ўрганиш ва уни ривожлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда 2019-2030 йилларда пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш бўйича Чора-тадбирлар дастури”¹да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фуқаролар ижтимоий таъминотининг умумқабул қилинган стандартлари ва минимал меъёрлари ҳамда илғор хориж тажрибалари, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари тажрибалари асосида пенсия ёшини босқичма- босқич ошириш бўйича ҳам соҳада ислоҳатлар изчиллик билан такомиллашиб бормоқда.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотитўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан ёшга доир пенсия тайинлаш учун эркаклар 60 ёшга тўлганларида стажи камида 25 йил бўлганида, аёллар эса 55 ёшга тўлганларида камида 20 йил иш стажи бўлган тақдирда улар тўлиқ миқдорларда ёшга доир пенсия тайинланиши белгилаб берилган. [1]

Ўзбекистон мустақил ва ўзининг узоқ йиллик тарихига эга мамлакат ҳисобланади. Айни дамда 37 миллиондан ортиқ аҳоли (Статистика қўмитаси, 2024) сонига эга мамлакатимиз ҳар соҳада изчиллик билан ривожланиб бормоқда.

Аммо, демографик ўзгаришлар, жумладан, доимий аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида айрим соҳаларда, хусусан, пенсия тизимида бир мунча муаммолар юзага келиши мумкин. Яъни, 2020 йилнинг ўзида мамлакат аҳолиси 533,4 минг кишига кўпайган. 2020-2025 йилларда қилинган прогнозларга кўра пенсия ёшидаги аҳоли улушининг 1,2 млн. кишига ошиши кутилмоқда. Бу эса мамлакат аҳолиси таркибида пенсия ёшидаги шахслар сони ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояни кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини молиявий барқарорлигини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Дунёнинг аксарият мамлакатлари пенсия тизимининг амал қилишида унинг даромадлари харажатларини қоплай олмаслик ҳолатларикузатилмоқда. Ушбу ҳолат

¹ 23.09.2024 йилдаги “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги [600-сон](https://lex.uz/pdfs/7111596) қарори .<https://lex.uz/pdfs/7111596>

мамлакатимиз пенсия тизимида ҳам рўй беришининг олдини олиш учун мақсадли, тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

Жумладан, давлат пенсия тизимининг молиявий асосини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисод ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларини шакллантириш механизмини замонавий молиявий сиёсат концепциялари асосида такомиллаштириб бориш, жамғармамаблағларидан оқилона фойдаланиш ва молиявий барқарорлигини ошириш муаммоларини илмий тадқиқ этиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш борасида соҳага оид бир қанча қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [2].

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга бўлган илмий ёндашувлар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Вахабов, Г.Касимоваларнинг тадқиқотларида пенсия таъминоти тизимининг айрим жиҳатлари, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий асослари, назарий-услубий жиҳатлари, молиялаштириш манбалари, меҳнат стажининг пенсия тизимига таъсири, пенсия ёши, давлат пенсиялари, жумладан, ёшга доир пенсияларни тайинлаш билан боғлиқ муаммолар, пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари асосида миллий пенсия тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. пенсия тизимидаги таркибий ўзгаришлар тадқиқ этилган [3].

Д.Шолдаровларнинг илмий ишларида фуқаролар пенсия таъминоти тизими, ундаги муаммолар ва уларни бартараф этиш, Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари тадқиқ этилган бўлиб, улар юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган ва таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган [4].

Тадқиқот методологияси

Мақолада кўтарилган муаммолар бўйича хорижий ва мағаллий мутахассисларнинг соҳага оид адабиётларда чоп этилган қарашлари, улар томонидан таклиф этилган ғоялар ва ишланмалар атрофича тахлил этилиб, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тавсия ва таклиқлар асослашда индукция ва дедукция, таққослаш, адабиётлар тахлили каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон амалиёти кўрсатишича пенсия тизимининг самарали, молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун у қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

– ижтимоий самарали – пенсиялар суғурта қилинган ишловчиларни турмуш даражасини сақлаб қолиш ва суғурта қилинмаганларни камбағаллашувига йўл қўймаслиги лозим;

– шахсий адолат – пенсиялар меҳнат фаолият жараёнида тўланган суғурта бадаллари миқдорига мутаносиб равишда меҳнат даромадларини йўқотишини қоплаши лозим;

– иқтисодий қулайлик – пенсия бадаллари хўжалик субъектлари, фуқаролар учун молиявий жиҳатдан оғир бўлиши керак эмас;

– суғурта фондларининг молиявий барқарорлиги – узоқ муддатли истиқболда пенсия тўловлари аниқ ва кафолатланган бўлиши лозим;

– мажбурий иштирок – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланиши лозим;

– пенсиянинг таъминланганлиги – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришиш, унинг қиймати пенсия бадаллари қиймати ва тўловининг давомийлигига боғлиқ бўлиши зарур;

– пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини мунтазам баҳолаб, мониторингини юритиш лозим. [5].

Пенсия ислохотлари жаҳоннинг аксарият мамлакатларида амалга оширилаётганлигига қарамасдан уларнинг тахминан 25 фоизда “тузилмавий” пенсия ислохотлари ўтказилмоқда. Уларнинг 1/3 қисмида жамғариладиган пенсия тизимидан тақсимотга асосланган пенсия тизимига ўтиш ёки янги тақсимотга асосланган пенсия схемаларини жорий этиш амалга оширилмоқда.

Тақсимлашга асосланган пенсия тизимлари учун демографик омил энг салбий омил ҳисобланганлиги боис, ушбу тизимларни таркибий жиҳатдан ислох этишда кутилаётган демографик вазиятга мос равишда пенсия тизими кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилади. Аммо, инқироз даврида тез қарорлар қабул қилиш зарур.

Шунинг учун ҳозирги вақтда таркибий чоралар кенг тарқалмаган, аммо, истиқболда ушбу тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади.

Ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган таркибий чора-тадбирларга қўйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- Германияда тўловлар ишчиларга боғлиқлик коэффициентига (бир нафар пенсионерга тўғри келадиган ишловчилар сони) боғлиқ ҳолда белгиланади. Боғлиқлик коэффициенти қанча юқори бўлса, пенсиялар миқдори шунчалик кам ўсади;

- Финляндия ва Португалияда тўловлар пенсия чиққандан кейинги кутилаётган умр давомийлигига боғлиқ ҳолда белгиланади;

- Францияда пенсия фондига тўланадиган бадалларнинг минимал даври 2012 йилдан кутилаётган умр давомийлиги билан боғлиқ ҳолда автоматик ўсиб боради. Данияда ушбу чоралар 2027 йилдан кучга киради.

Таркибий чора-тадбирларга тақсимот тизимида кескин ўзгаришларни киритиш мумкин:

- Италия, Польша ва Швецияда қайд этилган тўловлар режаси ўрнига қайд этилган бадаллар режаси жорий этилмоқда. Ишловчи пенсия ёшига етганда ишловчининг бадаллари иш ҳақининг ёки ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича индексацияланди;

- Швецияда истиқболда мажбуриятлар тушумлардан кам бўлса, тўланаётган пенсиялар автоматик пасайтирилади;

- Канадада шунга ўхшаш механизм амал қилади. Баланс ҳар уч йилда ҳисоблаб чиқилади ва агар у тақчилликка эга бўлса парламент тақчилликни бартараф этиш бўйича чоралар қабул қила олмайди ва қўйидаги механизм автоматик тарзда ишга тушади: бадаллар ставкаси кутилаётган тақчиллик даражасининг 50 фоизини қоплаш даражасида кўтарилади, пенсиялар кейинги уч йилгача музлатилади [6].

Қисқа муддатли чораларни қўллашда ушбу чоралар узоқ муддатли истиқболда қўшимча харажатларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиш зарур.

Қатор мамлакатлар пенсия тизимининг жамғариб бориладиган қисмига тўланиши лозим бўлган бадаллар даражаси ва ушбу бадалларга давлат

субсидияларини пасайтиришди. Узоқ муддатли истиқболда ушбу тадбирлар пенсия тизимларининг барқарорлигини ёмонлаштиради ва уни жамғарилган активлар даражасининг пасайиб кетишига олиб келади.

1-жадвал

Бирдамлик пенсия тизимларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар²

Мамлакатлар	Тадбирлар	
Франция	Пенсия ёшини ошириш	2018 йилда аёллар учун 60 ёшдан 62 ёшгача, эркеклар учун 65 ёшдан 67 ёшгача, тўлиқ пенсия олиш учун 65 ёшдан 67 ёшгача
Испания		2013-2017 йилларда 65 ёшдан 67 ёшгача
Италия		Давлат хизматчилари ҳисобланган аёллар учун 61 ёшдан 65 ёшгача
Греция		2015 йилдан 61 ёшдан 63 ёшгача
Ирландия		2014 йилдан 66 ёшга, 2028 йилга бориб 68 ёшга
Франция	Пенсия олиш учун зарур меҳнат стажини ошириш	Кутилаётган умр давомийлигининг ортиши билан автоматик тарзда иш стажини ошириш
Бельгия		58-65 ёшда ишдан бўшатилган ишчилар пенсиясига иш берувчи тўлайдиган бадаллар миқдорини ошириш
Греция		Эрта пенсияга чиқиш имконини берувчи касблар рўйхатини кескин қисқартириш
Норвегия		2011 йилдан пенсия ёшига етгандан кейин меҳнат фаолиятини давом эттиргани учун пенсия тўловларини субсидиялаш

Жаҳонда кескин характерга эга ислохотлар кўплаб учраб туради. Масалан, Венгрия ва Аргентинада тақсимлаш тизимлари тақчиллигини қисқартириш мақсадида хусусий пенсия фондлари активларини миллийлаштирилди, Ирландия эса пенсия фондлари активларини банк капиталини ошириш мақсадида фойдаланди.

Ушбу тадбирлар бирдамлик пенсия тизими муаммоларини жамғариб бориладиган пенсия фондларида жамғарилган истиқболда ишлатилиши мумкин бўлган маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Пенсия ёшини ошириш заруриятинининг муҳим сабабларидан бири бу мамлакатда 65 ёшдан сўнг кутилаётган аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичининг барқарор суръатларда ошиб бориши ҳисобланади. 2000-2015-йилларда аёллар ва эркекларнинг 65 ёшдан сўнг кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи мос равишда 20,6/17,2 йилдан 22,1/19,1 йилга ортди. Экспертлар томонидан берилаётган прогнозларга қараганда, 2050 йилга бориб ушбу кўрсаткич аёлларда 24,9 йилга, эркекларда эса 21,4 йилга тенг бўлиши кутилмоқда.

Пенсия тизимларини ислоҳ этиш зарурияти аҳолининг қариб бориши жараёнининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, жаҳонда 2050 йилга бориб пенсионерлар сони ўсмирлар сонига нисбатан ошиб кетиши кутилмоқда.

2-жадвал

Хорижий мамлакатлар пенсия таъминотининг 2024 йил учун асосий кўрсаткичлари³

Мамлакат	Пенсия ёши			Ўртача умр кўриш давомийлиги	Ўртача пенсия миқдори, АҚШ долларида
	Ўртача	Эркак	Аёл		
Нидерландия	66,4	66,4	66,4	81,6	2700
Дания	65	65	65	81,2	2800
Финландия	63	63	63	81,4	1982
Австралия	65,6	65,6	65,6	82,9	842,80
Швеция	61	61	61	82,4	1710
Норвегия	62	62	62	82,5	1542
Сингапур	62	62	62	82,9	600
Чили	62,5	65	60	79,5	984
Янги Зеландия	65	65	65	82,2	1500
Канада	65	65	65	82,8	667
Германия	65,7	65,7	65,7	81,0	1200
Франция	62	62	62	82,9	700
Япония	62	62	62	84,2	717
Шветсария	64,5	65	64	83,3	874
АҚШ	66	66	66	78,5	1164
Испания	65,6	65,6	65,6	83,1	1190
Буюк Британия	65,6	65,6	65,6	81,4	700

Ушбу ҳолат “Авлодлар бирдамлиги” тизимининг самарасизлиги ва пенсия тизимини молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқарди. Бундан ташқари самарали пенсия ислоҳотлари ривожланаётган мамлакатлардаги макроиқтисодий ҳолатни тубдан яхшилаш имконини яратиши мумкин [7].

Пенсия тизимини ислоҳ этишдан мақсад пенсионернинг минимал турмуш даражасини таъминлаб бера оладиган минимал пенсияни жорий этиш, меҳнат фаолияти давомида тўланган бадаллар ва пенсия миқдори ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлаш, пенсия тўловларини молиялаштириш манбаларини табақалаштиришдан иборат.

Хулоса

Ўзбекистонда ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– “Нодавлат пенсия фондлари”, “Давлатнинг ижтимоий суғурталаш”, “Мажбурий хусусий пенсия таъминоти” каби пенсия тизимини модернизациялашни ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунларни қабул қилиш лозим;

– Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги” қонун нормаларини амалиётга самарали жорий этиш учун қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур;

– Ўзбекистонда пенсияни меҳнат стажига қараб тўлашдан суғурта стажига асосан тўлашга босқичма-босқич ўтиш керак;

– Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим;

– пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш механизмини такомиллаштиришда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш объектига корхоналар фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳам киритилиши лозим;

– жаҳоннинг илғор тажрибасини Республикамиз амалиётида қўллашмақсадида аҳоли турмуш даражасини ошаётганлигини ҳисобга олиб, ижтимоийтўловлар юкини иш берувчилардан ишчи ва ходимлар зиммасига босқичма- босқич ўтказиш, яъни амалдаги 76,9:23,1 нисбатни, истиқболда 50:50 нисбатгаеткизишни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Мамлакатимизда ижтимоий соҳа борасида жумладан пенсия тизимида олиб борилаётган ислохатларнинг асл мазмунини таҳлил қиладиган бўлсақ, барчаси инсонларнинг ижтимоий жиҳатдан давлат тамонидан кафолатланганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” ги қонуни. 1993 йил 3-сентябрь. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон. //lex.uz/ru/docs/-5841063

2. <https://www.google.com/search?q=Пенсия+tizimini+isloх+qiliш&oq>

3. Вахабов А.В., Касимова Г.А. Бюджет ташқари фондлар. Монография. – Тошкент: «Иқтисод-молия», 1996. – 260 б.;

4. Шолдаров Д.А. Пенсия таъминоти маблағларини бошқариш. Монография. “STAR POLIGRAF” МСНУ нашриёти. Т.: 2017. -225 б.

5. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Б.Б.Бахтиёров, «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси». «Иқтисод-Молия» 2018

6. Турсунов Ж.П. «Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими барқарорлигини таъминлаш йўналишлари» мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2023 йил. 81-бет

7. Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент: «Иқтисод-молия», 2018. – 400 б.

8. www.pfr.ru – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб сайти маълумотлари.